


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Most of the sources are written in Persian, in which the interpretation of historical events is closely related to authors' worldviews and religious views. Therefore, the descriptions made in these works using such metaphors as "naval army", "numerous soldiers in the desert sands", "armored army reminiscent of the Iron Mountain" do not allow us to study military history of this period on the basis of accurate data. Nevertheless, the author examines and draws conclusions on military history based on these works by comparing them with other sources.

There are relatively few works in Turkic/Old Uzbek, of which Babur's "Baburnama" is the most informative source on the subject from the period under study.

On the other hand, travel literature sheds more light on the subject because their authors paid attention to trivial details they encountered in foreign countries which were surprising to them. They recorded such details in their diaries, which helps us identify some less-known aspects of military history.

The article also provides additional information on the sources, especially dealing with military history, produced during the Shibanid period.

Keywords: *source, memoirs, translation, manuscript, battle, siege, weapon, sword, spear, bow, cannon, rifle, armor, shield, defense.*

С. Гуломов

Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган "Зиж" хусусида

Мир Муҳаммад Сиддиқ "Ҳишмат" ибн Амир Музаффар (1864–1927), тўлиқ исмидан ҳам кўриниб турганидек, Бухоро амири Музаффарнинг (1860–1885) ўғлидир. У валиаҳд шаҳзода эмас эди. Тарихдан маълумки, тахт Амир Музаффардан унинг Абдулаҳад (1885–1910) исмли ўғлига ўтади. Шундан сўнг Ҳишматнинг 35 йил умри Бухоро аркидан ташқарига чиқиш ҳаққидан маҳрум ҳолда кечган. Яъни Амир Абдулаҳаддан кейин 1910 йилда унинг ўғли Амир Олимхон (1910–1920) тахтга келганидан сўнг ҳам бу тақиқлар давом этган. Фақат Бухоро Республикаси ташкил этилганидан кейин Ҳишмат 1923 йилнинг июль ойида Афғонистоннинг Кобул шаҳрига жўнаб кетади. Муқояса учун шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, бунга ўхшаш қисмат Амир Музаффарнинг яна бир ўғли Носириддин тўра[1] "Тўрайи

[1] Носириддин тўранинг ҳаётига доир маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Унинг "Таҳқиқоти арки Бухоро", "Туҳфат аз-зоирийн", "Осор ас-салотин" ва "Кунуз ал-атқиё" номли асарлари бизгача етиб келган [13: 11].

жилов”нинг ҳам бошига тушган. Ҳатто “Тўрайи жилов” лақаби, айнан унинг сарой қамоғида бўлганлигига ишора, дейилади [3: 76].

Ҳишмат ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар, асосан, шеърлари, биографик ва бошқа турдаги асарларида, шунингдек, унга замондош баъзи муаллифлар асарларида учрайди. Уларга биноан, Ҳишматнинг хоҳ хонлик даврида бўлсин, хоҳ жумҳурият даврида, мамлакатнинг маънавий ҳаётида фаол иштирок этганини кўриш мумкин. Чунончи, Бухоро Жумҳурияти ташкил бўлиши билан 1921 йилда “Анжумани тарих” номли бир тарих кенгаши тузилади ва унга Бухоронинг энг кўзга кўринган олим ва номдор шахслари аъзо бўладилар. Шулар орасида Ҳишмат ҳам бор эди. Бу ҳақда юқорида номи зикр этилган Носириддин тўра ўзининг “Таҳқиқоти арки Бухоро (“Бухоро арки ҳақида тадқиқот”)” асарида шундай ёзади: “ ... Ҳозирги ҳукумат фармонига мувофиқ, жумҳурият шўроси томонидан биз – етти нафар[1] кишини, яъни Ҳожи Мулло Абдурауф афанди “Фитрат”[2], Саййид Муҳаммад Сиддиқ[3], жаноб қози ал-қуззот, олам аҳли муллозодаси домулло Муҳаммад Шариф Зиё[4], Мулло Салимбек[5], жаноб Ҳожи Мулло Саййид Маҳмуд муфтий ва бу фозиллар хизматкори Саййид Муҳаммад Носир “Анжумани тарих” (“Тарих анжумани”) аъзолари сифатида ҳар куни арки олийга бориш ва унинг ободлигию вайроналиклари сабаблари борасида олий мадрасада тадқиқотлар ўтказишга тайинланган эдик.

Алҳамдулиллоҳ, (масалани) назардан ўтказиш ва кенгашувдан сўнг кўп нуқсонлар эгаси бўлган бу ожиз банда, яъни Мир Муҳаммад Носир ибн Музаффархон <қабри нурга тўлсин!> ушбу азизлар кўмаги ҳамда Аллоҳ таоло мадади ва Ҳақ субҳонаҳу ўз фазли ва карами билан муваффақ этиши туфайли (тегишли маълумотларни) бир мухтасар ва мўъжаз рисолага тўплаб, у “Бухоро арки ҳақида таҳқиқот” деб номланди” [13: 11].

Муаррих Мирзо Салимбек ўзининг “Тарихи Салимий” асарини Амир Музаффар ҳақидаги фасл билан бошлайди ва унинг ўн тўрт нафар ўғлини кетма-кет тилга олиб, уларга тавсиф беради. Бу рўйхатда тўққизинчи бўлиб Мир Сиддиқхон тўра, яъни Ҳишмат ҳақида ёзади. Мирзо Салимбек қолган амирзодалар орасида Ҳишмат ҳақида анча батафсил маълумот келтиради. Жумладан, унинг Амир Музаффар даврида Чоржўй вилоятида бир мунча

[1] Муаллиф “Тарих анжумани” аъзолари сони етти нафарлигини айтса-да, асарда фақат олти кишининг номи келтирилган.

[2] Абдурауф Фитрат (1886–1937) – буюк ўзбек адиби ва олими [14: 169]. .

[3] Мир Муҳаммад Сиддиқ “Ҳишмат” назарда тутилмоқда.

[4] Муҳаммад Шариф Садри Зиё (1865–1932) – давлат арбоби, олим ва адиб, форс тилидаги бир нечта асарлар муаллифи [13: 34].

[5] Мирзо Муҳаммад Салимбек (1850–1930) – Бухоро амирлигида турли вазифаларда ишлаган, форс тилида битилган “Тарихи Салимий” ва бошқа бир қанча асарлар муаллифи [12].

муддат ҳокимлик қилгани ва амирнинг вафотидан олдин унинг буйруғига биноан, Бухорога қайтгани, отанинг вафоти ҳақидаги хабар тахт вориси Абдулаҳадга етиб боргач, у келиб Бухоро тахтига ўтиргани ва ўз акаси Ҳишмат учун Ҳовузи дастурхончи маҳалласидан уй ажратгани ҳамда унга маош тайин қилгани ҳақида хабар беради. Мирзо Салимбек Ҳишматнинг мазкур воқеадан сўнг умрини фақат илм ва ибодатда ҳамда олиму дин пешволари билан мулоқотда ўтказгани ҳақида ёзади. Шунингдек, Ҳишматнинг фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб китоблар тўплагани ва қатор илмларни эгаллаган етук олим бўлиб етишгани ҳақида алоҳида таъкидлайди [12: 45–46]. Худди шундай тавсифни у яна ўнинчи амирзода, яъни исми юқорида эслатилган Носириддин тўра ҳақида келтирган, холос [12: 46–47].

Албатта, Ҳишмат ҳаётига оид муҳим ва қизиқарли маълумотлар унинг автобиографияларида келтирилган. Улардан бири қисқа матндан иборат бўлиб, ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида 2513 ашё рақами билан сақланувчи ва Ҳишмат асарларини ўз ичига олган қўлёзма жилдининг 242*б*–243*а* варақларида келтирилган. Ушбу автограф матнда Ҳишмат ўзининг туғилган куни ойи ва йилини аниқ кўрсатади. Иккинчи биографик маълумот анча батафсил бўлиб, мазкур фонддаги 2663 ашё рақамли қўлёзманинг 117*б*–140*а* варақларига муаллифнинг ўз қўли билан битилган. Унда муаллиф болалик, ёшлик даври кечинмалари, мактабдаги таҳсили ва ҳатто, бошдан кечирган хасталикларигача баён қилади. Чоржўй вилоятига ҳокимлик қилган давридаги баъзи воқеалар, суюргол ерлар, вилоят муҳосабасига оид муҳим маълумотлар ҳам мазкур биографик қисмдан ўрин олган. Қўлёзма жилди таркибида ушбу биографиядан ташқари шоирлар ижод намуналаридан иборат баёз тўплами, Бухоро қушбегиси Остонақулбек бий ибн Аббос бий ҳақидаги маълумотлар (44*б*–50*а*) ва сўнгги аштархонийлар давридан то Амир Насруллоҳ (1827–1860) даврига қадар ҳукмронлик қилган ўзбек хонларига оид қайдлар ўрин олган (53*б*–97*а*). Қўлёзма жилдидаги барча асарлар Ҳишматнинг автографидир. Аслида қўлёзма бир қоралама нусха ҳолида бўлиб, кўп варақлари бўш қолдирилган. Яна бир муҳим маълумот фолиантнинг 179*б*–199*а* варақларида келтирилган бўлиб, унда муаллиф ўз кутубхонасидаги китоблар рўйхатини келтирар экан, уларнинг жойлашувига кўра таснифини ҳам қуйидагича кўрсатади:

Китобҳойи хонайи нақшин маъа даҳлиз буда (Нақшли хона ва даҳлиздаги китоблар) (179*б*–181*а*);

Тоқчайи ғарбийи хонайи нақшин (Нақшли хонанинг ғарбий тоқчаси) (181*б*–182*б*);

Китобхонайи равоқли (равоқли китобхона) (197*а*);

Китобхойи ба хонайи калон будаги (Катта хонадаги китоблар) (198*б*–199*а*).

Ушбу рўйхатда 200га яқин китоб номи саналган. Қўлёзманинг 196*б* варағида фақат 11 китоб номи кўрсатилгани ҳолда варақнинг қолган қисми ва 197*б*–198*а* варақларда турли шахслар муҳрларидаги матнлар доиралар ичида ёзиб чиқилган. Албатта, бу муҳрлар имитацияси ҳам уларнинг эгалари ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этиши шубҳасиз.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Ҳишмат муҳри босилган қўлёзмалар 63тани ташкил этади, дейилади[1]. Аммо, назаримизда бу рақам Ҳишматга оид китобларнинг аниқ сонини ифодаламайди. Чунки, муҳри бўлмаса-да, ҳозирга қадар бизга учраган кўплаб автограф нусхаларнинг мавжудлиги Ҳишмат китобларининг сони юқорида кўрсатилган рақамдан анча кўпроқ эканлигини билдиради.

Ҳишмат яратган асарлардан унинг шоир, тазкиранавис, тарихчи, моҳир хаттот, умуман, серқирра ижод соҳиби бўлганини кўрамиз. Унинг шеърияти хусусида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир шоир ҳам девон тузишга жазм этолмайди. Ҳишматнинг эса бир нечта девони мавжуд бўлиб, институт хазинасида 271, 1024, 1042 рақамлари остида сақланади.

Ҳишмат тазкира ва баёзлар яратиш ишига ҳам кучли эътибор қаратган, кўп вақт ва катта меҳнат сарфлаган. Масалан, унинг “Тазкират ас-салотин” (“Султонлар тазкираси”) асари шеъриятда қалам тебратган ҳукмдорлар, шаҳзодалар, “Тазкират аш-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”) эса шоирлар биографияси ва ижодидан намуналарни ўз ичига олади [9, 10]. Унинг “Дуррат ат-тож” (“Тож дури”) асари ҳам шу тақлидда яратилган [7].

Ҳишмат тузган баёзлар сони кўп ва уларда ўзига хос бир қиррани кўриш мумкин: баёзлар катта вақт бўлаги ва кенг географияни қамраб олади. Масалан, 247/III рақами остидаги баёз тўпламига Ҳишмат 210 та шоирни жалб этган [5]. Баёзларни тузишдан мақсадни эса у 246 рақамли баёз тўпламининг бошланишида (1*а*) аниқ ифодалайди. Хусусан, шоирлар Мулло Лоаълам ва Мулло Лооварийлар номини зикр этиб, у икки шахснинг шеърлари киритилмаган баёз кам топилиши, аммо уларнинг аксарият шеърлари бошқалар номи остида учраши ва, аксинча, бошқаларнинг мазкур икки шоирга эргашган байтларнинг тез-тез учраб туриши, ва бу ҳол албатта ислоҳ қилиниши лозимлиги ҳақида ёзади.

Ҳишмат хаттотликда ҳам жуда моҳир бўлиб, асарлар истинсоҳи, яъни нусха кўчириш йўналишида ҳам салмоқли ишларни амалга оширган. Масалан, Зайниддин Восифийнинг (1485–1566) “Бадоеъ ал-вақое” (“Сара

[1] Ушбу маълумот Марказий Осиёдаги кутубхоналар тарихи ва қўлёзмалардаги муҳрлар устида тадқиқотлар олиб борувчи ҳамкасбимиз Ш. Зиёдов томонидан тақдим этилган.

воқеалар”) [4], Амир Саййид Шариф Роқим Самарқандийнинг (XVII–XVIII) “Тарихи Саййид Роқим” (“Саййид Роқим тарихи”) [2], Абдулҳаққ Деҳлавийнинг(1551–1643) “Жазб ал-қулуб ила дияр ал-Маҳбуб” (“Байтуллоҳга қалбларнинг талпиниши”) [1] асарлари нусхаларини Ҳишмат ўз қўли билан кўчирган.

Тадқиқотимиз жараёнида фақат тарихий асарлар билангина эмас, балки кўплаб тарихий ҳужжатлар – сарой девонхонасида расмийлаштирилган хон ва амирлар фармонлари, ёзишмалари, қозихоналарда тузилган васиқалар, бир сўз билан айтганда, архив ҳужжатлари билан ишлашга тўғри келди. Қайд этиш зарурки, шундай расмий ҳужжатларда ҳам шахс номлари, этноним, топоним ва гидронимларда баъзи нуқсонлар кузатилади. Аммо Ҳишмат яратган ва кўчирган асарларда бундай нуқсон деярли кўринмайди. Бу эса унинг хаттотлик маҳорати билан бирга юқори илмий савиясини намоён қилиб туради.

Аслида ушбу мақоланинг юзага келишига бир воқеа туртки бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Гап шундаки, қўлёзмалар фондидаги 247 рақамли қўлёзма жилдини ўрганиш асносида бир нарса эътиборни тортди. Бу жилднинг муқоваси ва фолиантининг безак услуби, яъни 107*а*; 107*б*; 108*а*; 108*б*; 179*а*; 179*б*; 180*а* варақлардаги фронтиспислар Марказий Осиё китобат санъати анъаналаридан бироз фарқ қилади. Муқовада Мулло Абдулхолиқ исмли саҳҳофнинг муҳри босилган. Бу нусханинг асосий қисмини юқорида эслатилган 210 шоирнинг ижод намунасини ўз ичига олган 178 варақдан иборат (5*а*–7*а*; 8*а*–182*а*) баёз тўплами ташкил этади. Лекин баёздан олдин 1*а*–5*б* варақларда “Дар авсофи азойимогоҳ жаноб Шошкандий...” (“Жаноб азойимгоҳ Шошкандий васфида...”) ва 7*б*–8*а* варақларда “Хутбаи девони қасойиди Мавлоно Низом Астрободий” (“Мавлоно Низом Астрободийнинг қасидалар девони ҳақида сўз”) номли икки кичик рисола ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди.

Айни пайтда қўлёзма варақлари орасидан бошқа ўлчамдаги 6 варақдан иборат алоҳида жадвал топилди. Саҳифалар рақамланмаган, сарлавҳасида форс тилида “Сирри банди кавокиб дар санайи 1314 ҳижрия ба муҳосабайи Зижи Улуғбеки ба уфқи Бухорий” (“Бухоро уфқида ҳижрий 1314 йилда сайёраларнинг Улуғбек зижи ҳисобига кўра боғланиш сири”) дейилган. Мазкур варақлар рақамланишини давом эттирдик. Унга кўра, мазкур Зиж 183*а* варақдан бошланади. Горизонтал чизиқ бўйлаб *Зуҳал, Муштарий, Мирриҳ* ва *Зуҳро* ёритқичлари номи, вертикал йўналишда *Фарвардин, Ўрдибиҳишт, Хўрдод, Тир, Мўрдод* ва ҳоказо *Эрон* ой номлари келтирилган.

183*б* варақдаги жадвал “Истихрожи авсати (...) дар санайи 1314 ноқисайи ҳижрия ба муҳосабайи Зижи Улуғбеки (“Ҳижрий ноқис 1314 йил (...) ўртасини Улуғбек зижи асосида ҳисоблаш”) деб номланган.

184*а* даги жадвал сарлавҳаси “Басти Шамс дар рузи жумъа шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия” (“Ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-си – жума кунида Қуёшнинг тарқалиши”) деб номланган.

184*б* – “Авсати Зуҳал дар шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия ба муҳосабайи З...” (“Ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-кунида Зуҳалнинг ўртаси”). Назаримизда сарлавҳа “... Зижи Улуғбеки” дея тугаган бўлиши керак. Аммо икки турли хил қоғознинг нотўғри елимланиши натижасида айтилган қисм қирқиб юборилган кўринади.

185*а* – “Басти Зуҳал дар рузи жумъа шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия” (“Ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-си – жума кунида Зуҳалнинг тарқалиши”).

185*б* – “Авсати Муштарий дар шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия ба муҳосабайи Зижи Улуғбеки ба уфқи Бухоройи шариф” (“Улуғбек зижи ҳисобига кўра ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-куни Бухоройи шариф уфқида Муштарийнинг ўртаси”).

186*а* – “Басти Муштарий дар рузи жумъа шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия” (“Ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-си – жума кунида Муштарийнинг тарқалиши”).

186*б* – “Авсати Миррих дар шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия ба муҳосабайи Зижи Улуғбеки ба уфқи Бухоройи шариф” (“Улуғбек зижи ҳисобига кўра ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-куни Бухоройи шариф уфқида Миррихнинг ўртаси”).

187*а* – “Басти Миррих дар рузи жумъа шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия” (“Ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-си – жума кунида Миррихнинг тарқалиши”).

187*б* – “Авсати Зуҳра дар шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия ба муҳосабайи Зижи Улуғбеки ба уфқи Бухоройи шариф” (“Улуғбек зижи ҳисобига кўра ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-куни Бухоройи шариф уфқида Зуҳранинг ўртаси”).

188*а* – “Басти Зуҳра дар рузи жумъа шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия” (“Ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-си – жума кунида Зуҳранинг тарқалиши”).

188*б* – “Авсати Аторуд дар шонздаҳуми Шаввол санайи 1314 ноқисайи ҳижрия ба муҳосабайи Зижи Улуғбеки” (“Улуғбек зижи ҳисобига кўра ҳижрий ноқис 1314 йил Шаввол ойининг 16-кунида Аторуднинг ўртаси”).

Биз кўриб турган ҳижрий 1314 йил Шаввол ойининг 16чиси мелодий тақвимга ўгирилганда, 1897 йилнинг 20 мартига тўғри келади. Сарлавҳа, сайёралар ва ой номларига биноан, бу бир астрономик жадвал эканлиги равшан эди. Демак, кимдир мазкур йилда Навруз байрамига ўтар кечаси ёритқичларнинг жойлашувини Бухорода туриб кузатган. Бу топилма, гарчи

Ҳишматнинг автограф асарларидан иборат қўлёзма жилди ичидан чиққан бўлса-да, унинг муаллифи ким эканлигини аниқ таъкидлаш қийин. Зижнинг муаллифи катта эҳтимол билан Ҳишматнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин. Чунки, институт қўлёзмалар хазинасида унинг қаламига оид бир нечта шу мавзудаги асарлар мавжуд. Масалан, 8935 рақамли қўлёзма унинг автографи бўлиб, “Дафтари нужум” (“Юлдузлар дафтари”) деб номланган ва у сайёралар ҳаракати, Қуёш, Ой тутилишига доир кузатувлар ва бошқа астрологик мазмундаги қайдлардан иборат [6]. 2677 рақами остидаги “Мажмуайи зойижа” (“Зижлар мажмуаси”) номли асари ҳам айнан шу мавзуда ёзилган [8]. Шу ўринда, Ҳишматга устоз саналган бухоролик йирик олим Аҳмад Донишнинг (1827–1897) ҳам бу йўналишда кенг фаолият олиб борганини назарда тутиш зарур. Аммо Аҳмад Дониш айнан зиж тузилган 1897 йилда вафот этган эди. Олимнинг вафот куни аниқ эмаслиги боис, ушбу зиж унинг сўнгги тадқиқотларидан бири бўлиши эҳтимолини ҳам эътиборга олдик. Лекин, тадқиқот мобайнида Донишнинг набирасининг набираси, яъни дувараси – физика-математика фанлари доктори, АҚШ Вашингтондаги Яҳудийлар генеалогияси илмий текшириш институти профессори Саиджон Ғуломович Қурбонов билан учрашиш имкони туғилиб, масала анча ойдинлашди[1]. У кишининг маълумотга кўра, Аҳмад Дониш 1897 йил 18 март куни вафот қилган ва 19 мартда дафн этилган. Албатта, бу маълумот зижга муаллифлик ҳаққини Ҳишмат томонига оғдиради, аммо манбанинг ўзида тузувчининг номи келтирилмагани учун Ҳишматнинг муаллифлиги ҳам ҳозирча кучли тахминлигича қолади.

Ҳишмат асарларининг автограф ҳолида етиб келгани, шубҳасиз, уларга оид тадқиқотларнинг илмий сифатига ҳам кучли ижобий таъсир кўрсатади. Бинобарин, Ҳишмат ҳаёти ва ижоди устида чуқур илмий тадқиқот олиб борилиши лозим. Юқорида келтирилган маълумот Ҳишматнинг ижод спектри, унинг тафаккур олами ва даражаси ҳақида муайян тасаввур хосил қилишга ёрдам беради. У яратган асарларни ҳануз чуқур таҳлил ҳам, тадқиқ ҳам қилолганимизча йўқ. Бу мақола унинг ижодига умумий бир назар сифатида тақдим этилмоқда. Аммо шу кичик бир изланиш натижасида ҳам қуйидаги бирламчи хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ҳишмат яратган баёз тўпламлари давр ва ҳудуд жиҳатидан катта қисмни қамраб олади. Улар ҳали фанга номаълум ўрта асрлар шоирлари ҳақида маълумот тақдим этиши, айрим маълум шоирлар ижоди ҳақида янада тўлиқроқ маълумот ва баъзи “сайёр” байт ва рубоийлар асл эгасининг топилишига ёрдам бериши мумкин.

[1] Саиджон Курбанов билан учрашувимизга сабабчи бўлган ҳамкасбимиз, манбашунос олим Файзхожа Маҳмудовга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

2. Унинг тазкиралари ёрдамида шеъриятда қалам тебратган ҳукмдорлар, улар биографияси ва асарлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин.

3. Ҳишматнинг биографик жанрда битган асарлари тарих фанига ҳали номаълум шахслар, тарихий воқеалар ҳамда муаллифнинг ўз биографиясига оид, юқорида бунга амин бўлганимиздек, аниқ ва муҳим маълумотларни тақдим этади.

4. Унинг илми нужум соҳасида яратган асарлари ҳамда янги топилган ва ушбу мақоланинг яралишига туртки бўлган *Зиж* фан тарихи, хусусан, астрономия фани ва тарихи йўналишида шу кунларда олиб борилаётган изланишларга қимматли маълумотларни тақдим этиши мумкин.

5. Бу зижнинг сарлавҳасидаги “Улуғбек Зижи ҳисобига кўра” деган сўзлар то XX асрга қадар Улугбек Зижи ўз аҳамиятини йўқотмай, классик давр тадқиқотлари учун асос бўлиб келганини кўрсатади.

6. Ҳишматнинг, гарчи тамомланмаган ҳолда бўлса-да, бизгача етиб келган китоб хазинаси рўйхати ўша давр олийнасаб хонадондан етишиб чиққан зиёли бир шахснинг қизиқишлари доирасини кўрсатади. Бу рўйхат айни пайтда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Ҳишмат фондини тиклашга ҳам ёрдам беради.


Юқорида келтирган маълумотлар эвристик изланиш натижаси эди. Биз асар ҳақида, унинг муҳтамал автори ва асар структураси борасида ҳамда қўлёзма кодикологияси билан боғлиқ бирламчи маълумот ва фикр-мулоҳазаларимизни баён қилдик. Келгусида фан тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар асарнинг мазмуни таҳлилини амалга оширишлари ва шу билан унинг моҳияти, илмий қийматини очиб беришларига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар


1. Абдулҳаққ Деҳлавий. Жазб ал-қулуб ила дияр ал-Маҳбуб. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 4274.
2. Амир Саййид Шариф Роқим Самарқандий. Тарихи Саййид Роқим. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв.№ 8215/I.
3. Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк Бухары. Душанбе, 1972.
4. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ал-вақоеъ. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв.№ 2129.
5. Мир Сиддиқ Ҳишмат. Баёз. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 247/III.
6. Мир Сиддиқ Ҳишмат. Дафтари нужум. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 8935.
7. Мир Сиддиқ Ҳишмат. Дуррат ат-тож. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 2513/2.
8. Мир Сиддиқ Ҳишмат.Мажмуайи зойижа. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 2677.
9. Мир Сиддиқ Ҳишмат. Тазкират ас-салотин. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 54.
10. Мир Сиддиқ Ҳишмат. Тазкират аш-шуаро. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 2728.
11. Мир Сиддиқ Ҳишмат. [Таржимаи аҳвол]. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 2663/6.

12. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. / Перевод с персидского, вводная статья и примечания Н.К. Норкулова. Редактор перевода А.К. Арендс. Предисловие, редактирование введения и примечаний А.С. Сагдуллаева. Ташкент, 2009.
13. Саййид Муҳаммад Носир ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро (Бухоро арки ҳақида тадқиқот) / Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар Ғ.Каримовники. Тошкент, 2009.
14. Фитрат // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент.

Иловалар



1-расм



2-расм

С. Гуломов

Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган зиж хусусида

Мақолада Бухородан етишиб чиққан йирик олим ва шоир Мир Муҳаммад Сиддиқ “Ҳишмат” ибн Амир Музаффарнинг илмий фаолияти диапазонини тасвирлашга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга янги бир топилма – Ҳишмат асарларининг қўлёзма нусхалари орасидан топилган 1897 йилда Мирзо Улуғбек Зижи асосида Бухорода тузилган янги зиж жадвали ҳақида илк маълумотлар тақдим этилди.

Мазкур уникумнинг муаллифи масаласига ойдинлик киритиш мақсадида уни Ҳишматнинг астрономияга оид бошқа асарлари контекстида кўриб чиқилди. Шу билан бирга зижнинг муаллифи Ҳишматнинг устози, айнан зиж тузилган 1897 йилда вафот этган Аҳмад Дониш ҳам бўлиши мумкинлиги ҳам эхтимолдан ҳоли қолдирилмаган эди. Аммо мазкур олим вафот кунининг аниқланиши ва бошқа изланишлар натижасида шундай хулосага келиндики, зижнинг муаллифи катта эҳтимол билан Ҳишматнинг

ўзи бўлиши мумкин. Унинг илми нужум соҳасида яратган асарлари ҳамда янги топилган зиж астрономия фани ва унинг тарихи йўналишида шу кунларда олиб борилаётган изланишларга қимматли маълумотларни тақдим этиши мумкин. Зижнинг сарлавҳасидаги “Улуғбек Зижи ҳисобига кўра” деган сўзлар то XIX аср сўнггига қадар Улугбек Зижи ўз аҳамиятини йўқотмай, классик давр тадқиқотлари учун асос бўлиб келганини кўрсатади.

Ҳишматнинг тазкиралари ва баёз тўпламлари катта давр ва ҳудудни қамраб олган бўлиб, улар шеъриятда қалам тебратган ҳукмдорлар, ҳали фанга номаълум ўрта аср шоирлари ҳақида маълумот тақдим этиши, айрим маълум шоирлар ижоди ҳақида янада тўлиқроқ маълумот ва баъзи “сайёр” байт ва рубоийлар асл эгасининг топилишига ёрдам бериши мумкин. Унинг биографик маълумотларида эса ўзи ҳақидаги муҳим маълумотлар қаторида ўз кутубхонасидаги қўлёзмалар рўйхати келтирилган. Бу эса ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари жамғармасидаги Ҳишмат кутубхонасида сақланган қўлёзмаларни аниқлашга имкон яратади.

***Калит сўзлар**: Мир Сиддиқ Ҳишмат, Бухоро амирлиги, “Анжумани тарих”, Мирзо Улуғбек зижи, тазкира, баёз, зиж, астрономия, астрология.*

С. Гулямов

О спектре творчества Хишмата и новообнаруженной астрономической таблице

В статье осуществлена попытка обрисовать диапазон научной деятельности выдающегося ученого и поэта Мир Сиддика Хишмата, сына бухарского эмира Музаффара. В ней также впервые предоставлена информация о новообнаруженной астрономической таблице, составленной в 1897 году в Бухаре на основе Асторомических таблиц Мирзы Улугбека.

С целью внесения ясности в вопрос авторства данного уникума, оно было рассмотрено в контексте других астрономических трудов Хишмата. В то же время, мы не исключали возможности того, что автором астрономических таблиц мог являться также учитель Хишмата Ахмад Дониш, который умер в том же году, когда и были они составлены. Однако, результаты исследования, в ходе которых также удалось уточнить день смерти упомянутого ученого, дают нам основание предположить, что с большой вероятностью автором *зидж*а является сам Хишмат.

Его астрономические трактаты, а также новообнаруженная таблица могут представлять из себя ценный материал как для астрономических исследований, так и для изучения истории астрономическкой науки в

Узбекистане. Слова «*ба мухасаба-и Зидж-и Улугбеки* (... на основе расчетов Астрономических таблиц Улугбека)», присутствующие в заглавии исследуемого *зидж*а, свидетельствуют о том, что вплоть до конца XIX века таблицы Улугбека служили основой в астрономических исследованиях.

Антологии поэтов и правителей – поэтов, а также сборники из фрагментов стихов разных поэтов, так называемые *байад*, составленные Хишматом, охватывают широкую географию и большую хронологию. Следовательно, они могут содержать сведения о доселе неизвестных науке поэтах и дополнительный материал об именитых людях пера. Они также могут помочь при установлении истинных авторов «кочующих» *бейтов* и четверостиший. Его биографические записи, где наряду со сведениями о себе, он привел список рукописей своей библиотеки, могут помочь в выявлении его рукописей в фонде Института востоковедения АН РУз.

***Ключевые слова**: Мир Сиддик Хишмат, Бухарский эмират, «Анджуман-и тарих», астрономические таблицы Мирзо Улугбека, антология, зидж, астрономия, астрология.*

S. Gulomov

The oeuvre of Mir Siddiq Hishmat and a newly discovered astronomical table

The article outlines the range of scientific activities in the oeuvre of the outstanding scientist and poet Mir Siddiq Hishmat, son of the Bukharan emir Muzaffar. It also provides information for the first time on a newly discovered work that was found among the manuscripts authored by Hishmat and that was completed in 1897 in Bukhara based on Mirza Ulughbek's astronomical tables.

In order to clarify the authorship of this unique work, other astronomical works of Hishmat is examined to contextualize the new material. At the same time, we do not exclude the possibility that the author of the astronomical tables could have also been Ahmad Danish, the teacher of Hishmat, who died in the same year that the work was completed. However, in addition to establishing the death date of the aforementioned scholar, the study conclusions let us assume that Hishmat himself is most likely the author of the *zij* in question.

Hishmat's astronomical treatises as well as the newly discovered table are valuable sources both for astronomical research and for studying the history of astronomical science in Uzbekistan. The phrase *ba muhasaba-yi Zij-i Ulughbeki* ("…based on the calculations of Ulughbek's astronomical tables") present in the title of the studied *zij* indicates that up to the end of the 19th century Ulughbek's tables served as the basis for the astronomical research.

Anthologies of poets and rulers – as well as collections of fragments of verses written by different poets, the so-called *bayaz* works compiled by Hishmat – cover a wide range of geography and chronology. Consequently, they may contain information about hitherto unknown poets and additional material about famous people of the pen. They can also help establish the true authors of "nomadic" verses and quatrains. Hishmat's biographical notes allow us to reconstruct a list of manuscripts in his personal library in addition to providing information about his biography. This can help identify his manuscripts in the collection of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Keywords*: Mir Siddiq Hishmat, Bukharan Emirate, "Anjuman-i tarikh", astronomical tables of Mirza Ulughbek, anthology, zij, astronomy, astrology.*